



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Қарши нефт базаси” МЧЖ

Директори

Б.Бобоназаров

23 « сентябрь 2022 йил

БУЮРТМАЧИ: “Қарши нефт базаси” МЧЖ

**“Қарши нефт базаси” масъулияти чекланган
жамиятига тегишли бўлган ФЁТШларни
белгиланган тартибда баҳолаш хизматларини
ташқил этиш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Қарши-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 23 апрел №0367-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 "Қарши нефт базаси" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган ФЁТШларни белгиланган тартибда баҳолаш хизматлари ташкил этилади.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати 60 000 000 (олтмиш миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3 Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан хизмат кўрсатувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 иш куни.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Қарши нефт база” МЧЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Шайхали кўргони

Эл.адрес: nbukqarshi@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тегишли лицензия (гувоҳнома, рухсатномаси) бор ва тажрибага эга бўлган, барча юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- Фаолияти давомида амалга оширган ишлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки мусодара қилинган ёки хатлаб қўйилганлар ҳамда ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предмети билан жойига чиқиб ўрганиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми билан танишиш, хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган маълумот олиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

ТАНЛОВ ХУЖЖАЛАРИ

Қарши-2023

Танлов хужжаларининг қисмлари

- I. Танлов иштирокчилар учун аъённома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми